

**МАДАНИЙ ЛАНДШАФТЛАРНИ БАРПО ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИК
ЁНДАШУВЛАР ВА МУМAMМОЛАР****О.И.Абдуғаниев***ФарДУ география кафедраси доценти, г.ф.д***Ж.Ф.Эминов***ФарДУ, география йўналиши 1-қурс талабаси***Ш.С.Собирова***ФарДУ, география йўналиши 3-қурс талабаси*

Аннотация: Мазкур мақолада «маданий ландшафт» тушунчаси ва уни ташкил этиш билан боғлиқ ғоялар қўриб чиқилган. Шунингдек, маданий ландшафтларни барқарорлигини таъминлашда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг аҳамияти тахлил қилинган.

Калит сўзлар: экологик каркас, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, барқарор ривожланиш, маданий ландшафт, антропоген ландшафт, аксиология, ноосфера.

КИРИШ

Дунёда аҳоли сонининг ортиши, иқтисодиёт тармоқларини мунтазам ривожланиши табиий ресурслардан фойдаланиш кўламини кенгайиб, унга тушадиган антропоген босим миқдорини ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат аҳоли зичлиги юқори, хўжалик тармоқлари интенсив ривожланган минтақаларда салбий экологик жараёнларни бир неча баробар кескинлаштируммоқда. Бундай ўзига хос, минтақаларда экологик барқарорликка эришишга халқаро хамжамият ҳам алоҳида эътибор бермоқда.

Атроф-муҳит муҳофаза қилиш бўйича София шаҳрида (1995) бўлиб ўтган конференциясида 20 йиллик давр учун биологик ва ландшафт хилма-хилликни сақлашга қаратилган Пан-Европа стратегияси қабул қилинди. Пан-Европа стратегиясида ландшафтни муҳофаза қилишга қвартилган бир қатор йўналишлар белгилаб олинди: ландшафтларни маданий мерос сифатида баҳолаш; ландшафтлар биологик хилма-хилликтаъминлашнинг асосий омили сифатида; маданий ландшафт барқарор ривожланиш модели сифатида; ҳар бир ландшафт алоҳида ландшафт муҳити сифатида.

Бу борадаги энг муҳим ёндашувлардан бири Европа ландшафт конвенцияси 1997 йилда Страсбургда қабул қилинган бўлиб, унда атроф-муҳитнинг негизи сифатида ландшафт белгиланган. Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган маданий ландшафтни сақлаш муаммоларига бағишлиланган йиғилиш 1999 йилда Белостокеда бўлиб ўтди. Унда кўтарилиган асосий муаммолардан бири, Европада табиий ландшафтларни муҳофаза қилишга қаратилган бўлиб, қуйидаги учта масала кўриб чиқилди: маданий ландшафтларнинг қийматини аниқлаш тартибини белгилаш ва идентификациялаш; маданий ландшафтларни

бошқариш ва у боғлиқ қонунлар мажмуасини ишлаб чиқиш; маданий ландшафтнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш [2].

БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурида белгиланган 17 та мақсадлардан бири “қуруқлик экосистемаларини муҳофаза қилиш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни рационал (оқилона) бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградациясини тўхтатиш ва биологик хилма-хиллик йўқолишининг олдини олиш” вазифалари ечимига йўналтирилган⁷.

Бугунги кунга келиб вазият тубдан ўзгарди, бошқа соҳаларда бўлгани каби табиий ресурсларидан фойдаланишда ҳам халқимизнинг кўп йиллик маданиятини илмий асосда ўрганиш, «оддий» (примитив) бўлиб кўринган малака ва қўникмаларни қайта баҳолаш вақти келди [2]. Этноэкологик маданият даражасига кўтарилиган бундай анъаналарга юқори баҳо бериб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Харқларимизнинг табиатга унинг бойликларини асраб-авайлаган ҳолда муносабатда бўлиш ва умумий сув ресурсларидан биргалиқда фойдаланиш борасидаги кўп асрлик анъаналарига суюнган ҳолда биз ҳақиқатдан ҳам улкан натижаларга эришамиз, деб ишонаман” дея таъкидлайди.⁸ Мамлакатимизнинг бугунги экологик сиёсатида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан илмий асосда фойдаланиш, ҳар бир минтақадан унинг табиий шароитига мос келадиган унинг имкониятларидан тўла фойдаланишга шароит яратадиган ишлаб чиқариш тармоқларини жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар тахлили ва методологияси. Маданий ландшафтларни географик жиҳатларини тадқиқ этиш муаммоларини Карл Зауэр, Отто Шлютер, Г.Конклин, Ж.Стюард, Л.С.Берг, П.Н.Савицкий, Л.Н.Гумелев, А.Н.Ямков, К.Б.Клоков, К.П.Иванов, И.Ю.Гладкий, В.Н.Калуцков, М.В.Рагулина, И.Абдуғаниев, Ю.Аҳмадалиев, Н.Комилова каби тадқиқотчиларнинг ишларида келтирилган.

Маданий ландшафт концепциясининг ривожланишига америкалик табиий-географ Карл Зауэр катта ҳисса қўшди. Карл Зауэр «Ландшафт морфологияси» китобида маданий ландшафтни маълум бир худудда маданиятларнинг тўпланиши ва эволюциясининг макондаги акси ва табиий ландшафтга ишлов беришнинг ўзига хос йўналиши сифатида белгилайди. «Маданият – омил (амалдаги омил), табиий муҳит – воситачи, маданий ландшафт – натижадир» [11]. Карл Зауэрнинг сўзларига кўра, асосий эътиборни ландшафтда инсонлар томонидан қолдирган турмуш тарзининг «излари»га қаратиш керак. Шу билан бирга, маданият инсон тажрибасининг яхлитлиги сифатида талқин қилинади. Маданият ер юзасининг инсон томонидан яратилган кўринишини шакллантирувчи асосий кучdir [11].

⁷ Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ:

<http://www.uz/undp/org/content/> uzbekistan.ru

⁸ Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистоннинг Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтган Оролни куткариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлар рахбарлари кенгашининг мижлисидаги нутқи, Халқ сўзи 2018 йил 25 август, №173(7131)

Рус географи В.Л.Каганскийнинг фикрича, Карл Зауэр асарларида бир хил ёки ўхшаш табийи мұхитда турли этник гурухлар ўзларини мутлақо бошқача тутиши, атроф-мұхитга таъсир қилиш ва уни мұхофаза қилишдаги технологияларининг ҳам турличалиги, хўжаликни юритиш учун турли ерларни танлаши ниҳоятда мұхим бўлган. Бу эса ягона табийи маконда турли маданий ландшафтларнинг шаклланишига олиб келган [4].

Отто Шлютер ва Карл Зауэрлар томонидан «маданий ландшафт» тушунчасига берилган таърифлар ва илмий изоҳлар XX асрда Ғарб илмий доираларида айниқса, географлар томонидан ушбу йўналиш ривожлантирилиб борилмоқда. Маданий ландшафт концепциясининг шаклланишига олиб келган фундаментал ғояларга Александр фон Гумболдт томонидан асос солинган [4]. Кейинчалик унинг ғоялар В.В.Докучаев, Л.С.Берг, А.И.Воэикова, С.С.Неуструев, В.П.Семенов-Тян-Шанский, В.И.Вернадский, Б.Б.Родоман каби олимлар томонидан такомиллаштирилиб борилди [6]. Шу ўринда, инсонлар жамоасини экотизимнинг таркибий қисми сифатида қараб тахлил қилиш, географияда анча олдинроқ Л.С.Берг (1922) ва Л.Н.Гумелев (1990) томонидан таклиф этилганлигини айтиб ўтиш лозим.

Н.Комилованинг (2018) фикрича ҳар бир этнос ўзи яшайдиган ландшафтлар мажмуасидан нафақат моддий жиҳатдан балки, маънавий жиҳатдан ҳам озуқа олади. Ушбу ландшафтлар унинг хўжалик юритишига, озиқланиш тизимиға, уй-жой қурилишига, кийиниши, табиатдан фойдаланиш ва уни мұхофаза қилишига, маънавий ҳәётига сезиларли таъсир этмай қолмайди. Табиатдаги бутун борлиқда шундай “ривожланиш жойи” яъни, унинг яхлит тизимга келтирган ҳудуди мавжуддир.

Натижалар ва мухокама. Барқарор ривожланишни таъминлашнинг инновацион ёндашуви сифатида «яшил иқтисодиёт» ёки «яшил макон»ни яратиш муаммолари халқаро иқтисодий, экологик, инвестицион форумларда мунтазам равишда мұхокама этиб келинмоқда. Атроф-мұхитни мұхофаза қилиш бўйича БМТ томонидан қабул қилинган бир қатор конвенциялар, стратегик режа ва келишувларда келажакда маданий ландшафтларни яратиш ва бутун Ер саёрасини қамраб олиши бўйича устувор вазифалар белгиланмоқда. Чунки, 1980 йилида чоп этилган «Global 200» маъruzасида ilk маротаба БЛХ жаҳон экотизимининг асоси эканлиги ва уни таназули инсониятни ҳалокатга олиб келиши илмий жиҳатдан асослаб берилган [1]. Шу боис, бу масалалар ечимида БЛХни сақлаб қолиш ва экологик барқарорликни таъминлашга асос бўлувчи экологик каркасни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Экологик каркас концепциясида мұхофаза этиладиган табийи ҳудуд(МЭТҲ)лар тизимини такомиллаштириш бош вазифа сифатида сингдирилган. Бу орқали, бир вақтнинг ўзида минтақада қулай экологик мувозанатни узоқ вақт сақлаб туриш ҳамда табийи ресурслардан оқилона фойдаланишга йўналтирилган хўжалик фаолиятини юритиш имконияти яратилади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳозирги кундаги муҳим вазифа инсон томонидан ўзгартирилган ландшафтларни маданий ландшафтларга айлантиришdir. Бу ишларнинг марказий вазифаси маданий ландшафтларни шакллантиришdir. Бу вазифани бажаришда ҳар бири узвий боғланган кўпгина тадбирлар амалга оширилади. МЭТҲлар маданий ландшафтни муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чунки улар маданий ландшафтларнинг юқори маҳсулдорлиги ва иқтисодий самарадорлигини оширишда, табиий ресурсларни қайта тиклашда, ноёб хусусиятларини муҳофаза қилишда, инсон ҳаёти учун қулай табиий муҳитни сақлашда муҳим ролни бажарадилар.

Ландшафтнинг барқарорлик кўрсаткичини белгилашда ёки уни баҳолашда тадқиқотчилар орасида турлича фикрлар мавжуд. Бу борада, маданий ландшафтлар барқарорлигини баҳолашда ландшафтни ташкил қилувчи компонетлар ва омиллар барқарорлигини аниқлаб олишнинг аҳамияти каттадир. Масалан, гидроиқлим, геолого-геоморфологик, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси каби компонентлардан қайси бири қанчалик бекарор бўлса ландшафт ҳам шунчалик бекарор ва ташки кучлар таъсирида шунчалик ўзгарувчан бўлади ёки аксинча. Немис олими Х.Пойкер (1983) манданий ландшафтларни шакллантиришнинг муҳим компоненти сифатида ўсимликлар ва тупроқ қопламини эътироф этади.

Масалан, муҳофазага олинган дараҳтзордаги тол, терак, жијда, туронғил ва бошқа ўсимликларнинг ҳар бири бир вегетация давомида 200 m^3 гача сувни буғлатиб, ўзига хос «биологик дренаж» вазифасини бажаради, яъни уларда сувни буғлатиш интенсивлиги йилни нам ёки қуруқ бўлишига боғлиқ [1, 2]. Дараҳтларнинг юқоридаги хусусияти ҳисобига Ўрта Осиёдаги пахтачилик минтақаларида экинларни суғориш нормаси 30-50% га камайган. Бир гектар ўрмон бир йилда 18 млн m^3 ҳавони тозалайди ёки 1 га сув ҳавзасига нисбатан 10 марта ортиқ ҳавони намлайди ва салқинлаштиради. Шунинг учун ҳар бир маданий ландшафтни бойитиш ва муҳофаза қилишда ўсимлик дунёсига катта эътибор берилмоғи лозим.

Муҳофазага олинган ўрмонзорлардаги дараҳтзорлар ландшафтларни шакллантиради, унда эстетик манзара яратади, микроиқлимни бошқаради, нисбий намлики орттиради, ҳудуднинг гидрологик режимини яхшилайди, суғориш тизимларини лойқа босишдан сақлайди, шамол тезлигини сусайтиради, тупроқ эрозиясининг олдини олади, табиий муҳитни санитария-гигиена ҳолатини соғломлаштиради, турли ҳайвонлар учун бошпана бўлади, дарё ва канал қирғоқларини мустаҳкамлайди, сувни тозалайди, қурилиш материали ҳисобланади ва бошқалар. Демак, ўсимликлар табиий муҳитнинг мувозанатини сақлашда муҳим вазифани бажаради.

Модда ва энергиянинг алмашиниши юқори ва экологик шароитнинг хилмалилиги оқибатида органик ҳаётга бой бўлган ландшафтларнинг ўртасидаги оралиқ полосалар, яъни ландшафт экотонлари ҳам ҳимоя зоналари сифатида муҳим аҳамиятга эга. Экотон-туташган ландшафтлар ўртасида, табиий

географик жараёнларнинг бирмунча фаоллашганлиги, экологик шароитларнинг ранг-баранглиги ва шу туфайли, тирик модданинг юксак фаоллиги билан тасвиirlанувчи энига кенг бўлмаган ва бўйига чўзилган ҳудуд. Масалан, ландшафт ва унинг морфологик бирликларининг (фация ва урочище) чегаралари маҳаллий, йирик ландшафтларнинг (зона, баландлик минтақаси, округ, провинция) чегаралари эса регионал экотонлар ҳисобланади. Барча экотонлар экологик каркас таркибида биокимёвий тўсиқ, салбий табиий ва антропоген таъсири юмшатувчи буфер зона вазифасини бажаради.

А.Г.Исаченконинг фикрича, ҳозирги замон ландшафтларининг қўпчилиги инсоннинг нооқилона фаолияти натижасида ўзгартирилган бўлиб, улар маданий ландшафтларга айлантирилиши лозимdir. Маданий ландшафтларнинг тузилиши муайян мақсад билан илмий асосда ва жамият манфаатларини кўзлаб оқилона ўзгартирилган бўлади. Бундай ландшафтларнинг энг асосий хусусиятлари юқори маҳсулдорлик, иқтисодий самарадорлик ва инсон ҳаёти учун қулай экологик шароитнинг бўлиши билан белгиланади. Ландшафтларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва сув, тупроқ, биологик ресурсларнинг қайта тикланиши асосида эришилади [11].

ГФРда ландшафт буюртма қўриқхонаси маданий ландшафтларни муҳофаза қилиш, тиклаш ва оптималлаштириш орқали уларда қадимдан шаклланиб келаётган хўжалик фаолиятни муваффақиятли давом эттириш вазифасини бажаради. Улардан асосан рекреация, агро-ўрмон хўжалиги мақсадларида фойдаланилади. Фарғона вилоятида маданий ландшафтларни сақлаб қолиш ва уларни барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурдир.

Маданий ландшафтнинг ўзгариши, табиатнинг ривожланиши ва унга инсон томонидан киритиладиган ўзгартиришлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар билан тавсифланади. Ҳар бир ландшафт каби маданий ландшафт маҳсулдорлик хусусиятига эга. Маҳсулдорлик эса маданий ландшафтнинг табиий хусусиятлари ва инсоннинг ўзгартирувчи ҳаракатига боғлиқ. Д.Л.Арманд айтганидек, ҳақиқий маданий ландшафтда маҳсулдорлик ва экологик ҳамда маданий-эстетик мақсадлар бир-бирига қарама-қарши бўлмай, балки бир-бири билан мос тушади ва бир-бирини тўлдиради. Масалан, барпо этилган ўрмонлардан санитария-гигиена, иқтисодий, мелиоратив, экологик ва эстетик мақсадлар учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Хуроса. Ландшафтларни муҳофаза қилишдан асосий мақсад табиий бойликлар ва ресурсларга бўлган жамият эҳтиёжини оқилона қондиришдир. Табиат муҳофазаси табиий бойликлар ва ресурслардан фойдаланиш жараёнида амалга оширилади. Демак, муҳофазага олинган табиий ҳудудлар ҳам табиатдан фойдаланиш тизимида бўлади. Чунки уларнинг ҳар бирида табиий ресурсларнинг маълум қисми бўлади. Шу билан бирга барча ресурс турлари ёки гурӯҳлари экологик муҳит яратувчи компонентлар билан бевосита алоқадорликда бўлади.

Маданий ландшафтларни шаклланишини ўрганишга қаратилган тадқиқотларнинг географик йўналишида этносларнинг атроф-табиий мухит билан онгли фаолияти воситачилигида бўладиган алоқалари баҳолашга асосий эътибор қаратилади. Бундай тизимли алоқаларнинг пираворд натижасида юзага келадиган асосий обьект сифатида маданий ландшафт ва унинг таркибий қисмларини таҳлил қилиш олинади. Юқоридаги барча мақсадларни амалга оширишнинг муҳим йўли ландшафт ва унинг таркибий қисмларини нормал фаолиятини таъминлаш, имкони борича табиий структурасини ҳамда унга қилинадаган ортиқча антропоген «тазийик»дан сақлашдир [5].

Шундай қилиб, геоэкологик тадқиқотлар жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, табиий ва маданий ландшафтларни функционал бирлиги асосида қулай экологик муҳитни сақлаш, бойитиш ва оптималлаштиришга қаратилиши лозим. Бу борада муҳофаза этиладиган табиий худудлар тизимини ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун уларнинг ҳар бирини геоэкологик функциясини ва хусусиятларини таҳлил этиш зарур.

ADABIYOTLAR RO'YXATI (REFERENCES):

1. Abduganiev O.I.. Muhofaza etiladigan tabiiy hududlar tizimini takomillashtirish va ulardan foydalanishning geoekologik asoslari (Farg'ona vodiysi misolida) // G.f.d. (DSc) ilm. dar. olish uchun taqdim. et. diss. –T., 2023. –291 b.
2. Abduq'aniev, O. and Komilova, T. 2023. TABIAT XILMA-XILLIGI: NAZARIY ASOSLARI, YONDASHUVLAR VA O'RGANISH USULLARI. *Farg'ona davlat universiteti*. 3 (Nov. 2023), 164. DOI:https://doi.org/10.56292/SJFSU/vol_iss3/a164.
3. Абдуғаниев Олимжон Исомиддинович, Косимов Дилшодбек Баходирович РОЛЬ ЗАЩИТНЫХ ЛЕСНЫХ НАСАЖДЕНИЙ В ЭКОЛОГИЧЕСКОЙ СТАБИЛИЗАЦИИ АГРОЛАНДШАФТОВ // SAI. 2023. №Special Issue 6. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-zaschitnyh-lesnyh-nasazhdeniy-v-ekologicheskoy-stabilizatsii-agrolandshaftov> (дата обращения: 23.01.2024).
4. Абдуғаниев О. И. и др. Фарғона водийсида ердан фойдаланишни ўрганишда тарихий ёндашувнинг зарурати //IQRO. – 2023. – Т. 3. – №. 1. – С. 51-55.
5. Аҳмадалиев Ю.И. Ер ресурсларидан фойдаланиш геоэкологияси. – Т.: Fan va texnologiya, 2014. – 340 б.
6. Вернадский В.И. Биосфера и ноосфера. Москва, 2002. –576 с.
7. Дирин Д. А. Влияние идей А. Гумбольдта на формирование и развитие географии культуры и концепции культурного ландшафта // Гумбольдтовские чтения: материалы международной научно-практической конференции. // Барнаул: Изд-во АлтГТУ. –2005. –С. 16–25.
8. Зокиров Ш.С. Антропоген ва амалий ландшафтшунослик. –Т.:

Университет, 1998. –66 б.

9. Каганский, В. Л. Ландшафт и культура // Общественные науки и современность. –1997. –№ 1. – С. 134 – 145.
10. Калуцков В.Н. Ландшафт в культурной географии. –М. : Новый хронограф. –2008. –320 с.
11. Конвенция об охране всемирного культурного и природного наследия. Генеральная конференция Организации Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры, Париж, 17 октября по 21 ноября 1972 г.
12. Кулешова М.Е. Культурные ландшафты: общие представления, понятия, подходы к оценке. Экологические проблемы сохранения исторического и культурного наследия. –М. : Российский научно-исследовательский институт культурного и природного наследия. –2000. –С. 37–52.
13. Рагулина М.В. Классическая концепция культурного ландшафта Карла Зауэра: история и современность // Известия Иркутского государственного университета. –2013. –Т. 6, № 1. – С. 177.
14. Стрелецкий В. Н. Культурно-ландшафтные исследования в Германии: традиции и современность // Культурный ландшафт: теоретические и региональные исследования. // –М.: Изд-во МГУ. –2003. – С. 42.
15. Пирназаров, Р. Т. (2022). ЎРТА ОСИЁДАГИ ТРАНСЧЕГАРАВИЙ ДАРЁЛАРНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ҲАМКОРЛИКДА ФОЙДАЛАНИШ МАСАЛАЛАРИ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 1(12), 954-961.
16. Пирназаров, Р. Т. (2023). СЕЛ ТОШҚИНЛАРИ ҲОСИЛ БЎЛИШИНинг АСОСИЙ ҚОНУНИЯТЛАРИ. *Innovations in Technology and Science Education*, 2(7), 11356-1370.
17. Пирназаров, Р. Т., & Собиров, Т. С. Ў. (2022). ИКЛИМ ЎЗГАРИШ ШАРОИТИДА СУВГА БЎЛГАН ТАЛАБЧАНИКНИНГ ОРТИШИ ВА УНИНГ ЕЧИМЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 3(5), 404-408.
18. Пирназаров, Р. Т., & Хикматов, Ф. Х. (2013). Тўғонли кўлларнинг гидрометеорологик режими ва улар хавфини камайтириш масалалари (Курбонкўл мисолида). *Т.: Фан ва технология*.